



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиقا бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (12.381)

Баҳоси эркин нархда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сарвар Урмонов (ЗА) олган суратлар

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

### ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИННИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

**Амир Темур – халқимиз тарихи солномасидаги најоткор қаҳрамонлардан бири.**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигига маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сийоси ҳам тикиланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур ийли деб ёзъон килинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден тавсис этилди. 2011 йили Юртшомиз тақтифи ва сўзбошиси билан «Темур тузуклари» асари муқаммал ҳолда, ўксас сифат билан янгидан отилди.

Истиқолол йилларида Амир Темур таваллуд топган кунни халқимиз улуг аҳодимин хотирасига эҳтиро сифатида ҳар йили кенг байрам қилмоқда. Соҳибқирон таваллудининг 677 йиллиги кенг нишонланыётган шу кунларда бу жиҳатлар ҳар бир юртдо-

ратли давлат асосчиси, илмифан, маданият ва маънавият хомиси, балки ўз вақтида Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизациясига бекиёс хисса кўшган буюк бунёдкордир.

«Улуғ аҳодимис, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-кудрат зўрлик ва зўравонликлида эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлиқда эканини ниҳоятда чуқур англарган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконисини вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар кандай одамни ҳайратга солади», деб ёзди Президентимиз Ислом Каримов «Темур тузуклари»нинг сўнгига нашрига ёзган сўзбошиси беради.

Соҳибқирон шахсига қизиқиш халқаро майдондан тобора ортиб бормоқда. Бу беназир зотнинг кандай миллий замон ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тариқа шундай юксак чўққиларга кўтарилигин, давлат арбоби, енгиллас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Амир Темур феноменини англаш, холис ва ҳаққоний ёритишига эса фақат мустақиллик туфайли кенг ўйл очиди.

(Давоми 2-бетда)

### «Жаҳон чемпионати – 2013»

#### ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ ЎКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Тошкент шаҳрида ўтказилар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати давом этмоқда. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Хитой, Австралия, Испания, Италия, Ҳиндистон, Индонезия, Шри Ланка, Бангладеш, Вьетнам, Миср, Тунис, Мексика, Бразилия, Туркия, Венгрия, Польша, Украина, Арманистон, Озарбойжон, Туркманистон, Тоҷикистон, Қозогистон каби етимиша яқин давлатдан юзлаб спортчилар кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги – ЎзА мұхабирлари дунё биринчилиги иштирокчиларининг айримлари билан сұхбатлашди.

Анико Немет МОРА хоним, Халқаро оғир атлетика Федерацияси директори:

– Ушбу нұғузли халқаро мусобақани ўтказиш учун айнан Ўзбекистон танлангани тўғри бўлганига гувоҳ бўлиб турибиз. Мусобақа ўтказилалётган «Ўзбекистон» спорт мажмусаси барча шароит ва куляйликларга эга. Мамлакатининг спортчилари халқаро мусобақаларда, хусусан, оғир атлетика бўйича беллашувларда юрtingиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётir. Бу Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб вояға етиши учун барча имкониятлар яратиб берилганиннинг натижасидир.

Жаҳура Актер РЕШМА, оғир атлетикачи (Бангладеш):

– Ёшим ўн бешда. Болалигимдан тош кўтариш билан шугулланаман. Оғир атлетика кишидан катта матонат, сабр-тоқат, кун ва ирада талаб этиади. Оғир атлетика сирларини кунт билан пухта ўрганишга ҳарарат килаётган. 2011 йили Осиё чемпионатидан бронза медални кўлга киритишга мусвафак бўлганим билан фархланаман. Орзум – Олимпия ўйинларida галоба қозониш.

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Пойтахтинг Тошкент шаҳри тасаввур килганимдан ҳам гўзал ва тароватли экан. Озода ва кенг кўчалар, ширинсуҳан одамлар ҳар кандай кишининг ҳайратини оширади.

(Давоми 2-бетда)

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аҳборот хизмати ва ўз мұхабирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** мамлакатимиз қарат-чилари Туркияning Истамбул шаҳ-

рида бўлиб ўтган халқаро мусобақада иштирок этиб юртимизга мегаллар шодаси билан қайтишиди.

✓ **ЭРТАГА** Миробод туманида жойлашган «Антариус» тантаналар

уйида ёлғиз кексалар, нафақаҳўлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга қартилган тадбир бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий

матбуот марказида олий ўкув юртлари ҳамкорлигига «Масс-медиа ривожланиши ва журналистларнинг ижтисослашуви» мавзуида матбуот анжумани ўтказилади.

# ТОШКЕНТ ОКШОМИ



Барча  
манибадардан  
олинган сўнгли  
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилётган давлат гранти танловларида Сурхондарё вилоятидаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлашга бағишиланган семинар ўтказилди.

- Буҳоро вилоятида «Биз – бир жамоа, биз – бир оиласиз» акцияси бўлиб ўтди. Ўтказилган мазкур оммавий тадбир бир қатор семинар-тренинглар, учрашувлар ва бошқа лойиҳаларни ўз ичига олди.

- Фарғонада худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш субъектлари ва хусусий тадбиркорлар иштирок этди.

- Хоразм вилоятида «Бадийи академияси тасарруфидаги тасвирий санъатга ижтисослаштирилган мактаб-интернат биноси тубдан реконструкция килиниб, фойдаланишга топширилди. Курилиш-таъмирлаш ишларини «Жайхун курилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари юксак сифат билан иштироклар оширилди.

**ЖАҲОНДА**

- Ҳиндистонлик автобус ҳайдовчиси ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бунга йўл қоидаларидан нотўғри фойдаланганлик оқибатида 9 кишининг ҳаётдан кўз юмгани ва 30 дан ортиқ кишининг тан жароҳати олгани сабаб бўлган.

- Финляндия дўқонларида болалар учун мўлжалланган заргарлик буюмлари савдо сакицланиди. Мъалумотларга қараганда, тақинчоқларни тайёрлашда фойдаланиладиган кадимий кимёвий модда турли хасталикларни келтириб чиқармоқда. Экспертларнинг фикрича, болалар тақадиган бундай безаклар ўзидан заҳарли модда чиқарип, буйрак ва жигарни заҳарлайди.

- Хитой Халқ Республикаси Бела-руссияда кўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун 16 миллиард АҚШ долларлик кредит линиясини очган. Ушбу маблағлар энергетика, турар жойларнинг қурилиши, таълим ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни бажариш учун сарфланиши кўзда тутилмоқда.

### ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Куни кечак депутатлари Тошкент шаҳар Қенгашининг навбатдаги йигирма бешичини сессияси бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётидан кўз юмгани ва 30 дан ортиқ кишининг тан жароҳати олгани сабаб бўлган.

Улар орасида шаҳар ҳокимининг 2013 йил 8 апрелдаги «Тошкент шаҳрида автомотортранспорт сақлаш курилмаларини ободонлаштири ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартиби келтириш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзиш қарорлари кабул қилинди.

Тошкент шаҳрида жойлашган кўп қавати уйлар йўлакларини таъмирлаш ва намунали даражада сақлаш тўғрисида, Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тартиби этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», Тошкент шаҳар ҳокимининг Ахборот хизмати ва ўз мұхабирларимиз хабарларидан.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Қенгашининг сесияси ҳаётидаги аҳборот ва қабул қилинган норматив ҳужжатлар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги веб-сайти ([toshkent.uz](http://toshkent.uz))да шу йил 11 апрель, пайшанба куни ёзлон килинади.







## ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

**«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати бошланди.**

Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF), Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигига ташкил этилган ушбу нуфузли мусобака дунё атлетлар учун 2014 йилининг 16-28 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинларига йўлланима берадиган дастлабки ва энг асосий мусобакадир. Унда ўсмирлар 25, кизлар эса 22 олимпия лицензиси учун кураш олиб боради.

Ушбу жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишга Ўзбекистондан ташкари Россия, Польша ва Таиланд каби давлатлар ҳам даъвогарлик қилган эди. Халқаро оғир атлетика федерацияси Ўзбекистонда давлатимиз рапари Ислом Каримов раҳнамолигига Олимпия ўйинлари дастуридан жой оғир атлетикани ривожлантиришига дримий эътибор қаратилётганини, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юкори савида ўтказиш борасидаги бой таҳрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, мазкур жаҳон чемпионатини Тошкент шахрида ўтказишига қарор килди.

...8 апрель куни пойтахтимизда оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлди. Байрамона боштаган «Ўзбекистон» спорт мажмуаси меҳмонлар, спортчилар ва мухлислар билан гавжум.

Чорлов садолари остида майдонга жаҳон чемпионати иштирокчилари – етмишга яқин мамлакат терма жамоалари кириб келади.

– Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда кўплаб соҳалар сингари спорти, айниқса, болалар спортини ривожлантириши борасида амалга оширилаётган кенг кўллами исплохотлар мазмунини самараляридан яхши хабардор, – дейди Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян. – Мамлакатинизда ҳар кандай йирик мусобакани юкори савида ташкил этиши учун етариш шарт-шароит яратилгани боис бу галиги жаҳон чемпионати ҳам муваффақиятли ўтишига аминим. Шу жиҳатларни инобатга олиб, Халқаро оғир атлетика федерацияси 2017 йили катталар ўтасидаги жаҳон чемпионатини ҳам Тошкент шахрида ўтказишига қарор килди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига болалар спорти ўш аводни жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш омили сифатида жадал ривожлантирилмоқда. Сўнгги ўн йилда Болалар спортини ривожлантириши жамғармаси томонидан 1113 болалар спорти обьекти, жумладан, 252 янги спорт комплекси, 262 спорт зали курилди. Мавжуд 60 мингта янги спорт секциясига 1,8 миллион нафар бола жалб этилган.

### Санъат

## ЁШ РАССОМНИНГ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг мемориал боф-музейида ёш рассом Улугбек Маматовнинг «Фоядан тасвир сари» мавзуидаги кўргазмаси очилди.**

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академиясининг раиси Акмал Нуридинов ва бошқалар мамлакатимизда мустақил ижод килиш, санъат ахлини кўллаб-куватлаш борасида барча имконият яратилганлигини таъкидлadi. Мустақиллик йилларида кўп сонли галереялар, кўргазмал заллари барпо этилди. Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боф-музейи – шулардан бири.

У. Маматов Тошкент мусиқа-бадиий лицейини тамомлаб, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтига ўқишига

кирди. Бугун у мазкур ўкув даргоҳида талабаларга сабок бермоқда, уларга ўз таҳрибасини улашмоқда.

Рассомнинг илк шахсий кўргазмасида 15 йиллик ижод самараси бўлган 60 асари намойиш килинмоқда. Улар орасида кадрдан кишиларининг портретлари, «Мулоқот» расмлар туркуми бор. Хар бир расмда гўзалик олди-даги хайрат, турмуш ташвишларидан узоқлашиб, юксаклика, олам сирларини забт этишига интилиш мужассам.

Ирина ДОЛЕНКО,  
ЎЗА мухбири

**Учтепа туман ҳокимлигига туманда жойлашган касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Камолот қувноқлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

## ИСТЕДОДЛИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман Кенгаши томонидан ташкил этилган «Камолот қувноқлари» кўрик-танлови кўтарини руҳда ўтди.

Гурухларга бўлинган ёшлар танишув, ўқищдаги ҳангомалар, мантикий саволлар, эркин мавзу, антиқа клип каби шартлар бўйича ўз иқтидорини намойиш этиши.


Унга кўра Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги республика дизайнер коллежининг «РДК» жамоаси биринчи, Ўзбекистон Давлат жоннинг тиллари университети кошидаги академик лицейнинг «Смайл» ҳамда 1-сонли Тошкент юридик коллежининг «Зўр-зўр» жамоалири кейинги ўрнини кўлга киритиши.

– Бугунги тадбирдан сўнг ҳар бир жамоа ўз мухлисларига эга бўлганини, – дейди Ўзбекистон Давлат жоннинг тиллари университети кошидаги академик лицейнинг биринчи боскич ўқувчиси Хонзода Фазлидинова. – Менга шартлар ичидаги энг кўп ёққани антиқа клип шарти бўлди. Унда иштироқи килишлар орқали бизни лол қолдириши.

Танловда иктидорли ёшларнинг профессионал маҳорати, маданияти, ижро эттган асрарларининг бадиий савиияси, мавзусининг теран ва долзарблиги мутахassislar томонидан баҳорланди ва фахрий ёрликлар билан тақдирланисиди.

Хабиба Йўлдошева

Нашни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-06 телефонига мурожаат қилинингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терили ва саҳифаланди.



## МАШРИҚЗАМИН – ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Ўзинг эришган ютуқлар ўзингта бўлган ишончни кучайтиради.

Тагини ковласанг, ҳар қандай гап ҳам чуқурлашиб кетади.

Ўзингни мажбурламай ҳеч нимага эришолмайсан.

Бир хиллик кишининг ўзини ҳам зериктиради.

Ишни қойил қилган мақтанса ярашади.

Ўзи экмаган бошқадан хомтама бўлади.

Кўпни кўрган кўп билар.

Муросай-мадора – нозик иш.

Яратилган имкониятдан фойдаланган ютади.

Чўзилган иш кишини бездиради.

Софлом кишининг бирордан ёрдам умид қилиши ношукрликдир.

Юришмаган иш – ташвиш.

Билганинг сари билмаганинг тушунасан.

Ёмон кўрганинг оёғингнинг остидан чиқади.

Хисоб-китоб билан яшаганинг иши юришади.

Холини билмаган кулгига қолади.

Инсон табиатан яхшиликни унтиб, ёмонликни эслаб юрувчан бўлади.

Феълига қараб баҳосини бераверасан-да.

Силлиқ кечган ҳаёт йўқ.

(Давоми бор)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёrlаган

Ўзидромет  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
UZHUMET  
Тошкент шахрида 11 апрел куни ўзигарб тида зарари моддаларнинг профессионал маҳорати, маданияти, ижро эттган асрарларининг бадиий савиияси, мавзусининг теран ва долзарблиги мутахassislar томонидан баҳорланди ва фахрий ёрликлар билан тақдирланисиди. Шарқдан секундига 3-8 минута тизигидаги шамол эсади. Харорат кечаси – 10-12, кундузи – 26-28 даражада ишсиз. «Шарқ» нашриёт-матбая акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй

Бош мухаррир  
Акмал АКРОМОВ



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39  
Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-ракам билан рўйхатга олинган  
Хажми — 2 босма табоб, оғсет усулида босилади.  
12046 нусхада босилди.  
Коғоз бичими A-2  
Топшириш вақти: 13:00

Нашни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-06 телефонига мурожаат қилинингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терили ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбая акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй

Бош мухаррир  
Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5